

Товар (маҳсулот) етказиб беришга

## Ш А Р Т Н О М А

«20» 01, 2022 йил.

№ 40/11

Наманган шаҳри

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, МЧЖ «Кислород» номидан раҳбари Усмоилов С. (матнда кейинги уринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи) бир томондан ва кейинчалик «Бюджет ташкилоти» деб юритилувчи Висовет Юсуфова номидан бюджет ташкилоти раҳбари И. Тожидов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи» «Бюджет ташкилоти»га кислород (кейинги ўринларда - Товар (маҳсулот) деб юритилади) етказиб бериш, «Бюджет ташкилоти» эса уларни қабул қилиши ва қийматини тула тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Товар (маҳсулот)»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

### 2. «ТОВАР» (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ.

2.1. «Етказиб берувчи» етказиб бериладиган «товар (маҳсулот)»нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий - қийматликлар учун белгиланган ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда маҳсулотнинг сифат ёки таҳлил (текшириш) баёнлари билан таъминлайди.

2.2. «Етказиб бериладиган «Товар (маҳсулот)» учун амалдаги тартибда белгиланган муддатга қафолат берилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Бюджет ташкилоти»нинг ҳуқуқлари:

- «етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- «етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги «Товар (маҳсулот)» етказиб берилишини талаб қилиш;
- зарур сифатга эга бўлмаган «Товар (маҳсулот)» шунга ўхшаш «Товар (маҳсулот)»билан алмаштирилишини;
- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Бюджет ташкилот» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда узгартирилишини талаб қилиш;
- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш.
- маҳсулотни етказиб бериш муддати каф қилиш кун.

3.2. «Бюджет ташкилоти»нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган «Товар (маҳсулот)»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- «Товар (маҳсулот)»га юк хатида белгиланган ва курсатилган нарх бўйича маҳсулотни олган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида тулик ҳақ тўлаш.

3.3. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- етказиб берилган «Товар (маҳсулот)» учун олдиндан 30 фоиз ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил - кесил ҳисоб қилинишини Бюджет ташкилотидан талаб қилиш;
- берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (маҳсулот)»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Бюджет ташкилоти»дан талаб қилиш.



3.4. "Етказиб берувчи" қуйидагиларга мажбур:

а) "Бюджет ташкилоти"га "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бюджет ташкилоти"нинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

б) агар "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Бюджет ташкилоти"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда бартароф этади.

3.5. «Етказиб берувчи» шартномада курсатилган қуйидаги хажмда «Бюджет ташкилотига» бериладиган муддатда келишилган нархда кислород маҳсулотини беради. 1та баллон-6м3, 1м3 кислород- 8050 сум.

Маҳсулот номи	Улчов берилиги	Миқдори.	Хар ойда етказиб бериш миқдори											
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Кислород	М3	12430	12430	-	-	-								

#### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 100 061 500 сумни ташкил этади.

4.2. «Бюджет ташкилоти» олинадиган товар (иш, хизмат) ларга тузилган бош келишув шартномасига мувофиқ харожатлар сметаси ҳамда харожатлар тулови рухсатномаси доирасида қушимча алоҳида «Етказиб берувчи» билан хар ой учун шартнома тузилади ва белгиланган тартибда туловларни амалга оширади.

4.3. «Бюджет ташкилоти» олинадиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда курсатилган миқдордан кам булмаган 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Етказиб берувчи» ҳисоб рақамига утказиб беради.

4.4. «Етказиб берувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс туловидан сунг (    кун муддатда маҳсулотларни «Харидор»га етказиб беради.

4.5. «Бюджет ташкилоти» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 15 кундан ортиқ булмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

4.6. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул утказиш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб – китоб қилинади.

4.7. Маҳсулот нархи келишилган нархда, бироқ енилли мой маҳсулоти, электр энергия ва сув нархлари узгаришига қараб амалга оширилади.

#### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужатлар шартлари ва талаблариги мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш – топшириш юк ҳужжатлари расмийлаштирилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб – китоб ҳужжатида банк муассасаси штампда кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича "Бюджет ташкилоти" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Бюджет ташкилоти"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Бюджет ташкилоти" томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда “Товар (маҳсулот)” етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган “Товар (маҳсулот)” ўрини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган “Товар (маҳсулот)”нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай “Товар (маҳсулот)” етказиб бериш “Бюджет ташкилоти”нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган “Товар (маҳсулот)” бевосита “Бюджет ташкилоти”нинг масъул ходими томонидан юк хати бўйича қабул қилинади. Юк хатида етказиб берилган “Товар (маҳсулот)” миқдори, нархи ва умумий баҳоси кўрсатилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган “Товар (маҳсулот)” етказиб бериш шартномага мувофиқ ёки “Бюджет ташкилоти”нинг ёзма буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманома “Товар (маҳсулот)”нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин вакил орқали ёзма тарзда берилади. Буюртманомани вакил орқали қабул қилишда “Етказиб берувчи”нинг ходими “Бюджет ташкилоти”да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

5.9. “Бюджет ташкилоти” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд “Товар (маҳсулот)”нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган маддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф – харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

6.2. Етказиб берилаётган “Товар (маҳсулот)” сифати ва миқдори “Етказиб берувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Етказиб берувчи” етказиб берилаётган “Товар (маҳсулот)”нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб – китоб қилади.

6.3. Агар етказиб берилган “Товар (маҳсулот)”нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган “Товар (маҳсулот)” қийматининг 0,04 % миқдориди жарима тўлайди.

6.4. “Товар (маҳсулот)” етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши сабабсиз, ёзма рад этилганлиги учун “Етказиб берувчи” “Бюджет ташкилоти”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган “Товар (маҳсулот)”нинг 0,04 % миқдориди жарима тўлайди.

6.5. “Товар (маҳсулот)”ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Бюджет ташкилоти”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,04 % миқдориди пеня тўлайди, бироқ бундай пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган “Товар (маҳсулот)” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Етказиб берилган “Товар (маҳсулот)” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Бюджет ташкилоти” “Етказиб берувчи” га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,04 % миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги кер

6.7. “Бюджет ташкилоти” томонидан тегишли шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Бюджет ташкилоти”ни жавобгарликка тارتинишда шунингдек унинг хатти – ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), “Бюджет ташкилоти” томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Етказиб берувчи” томонидан қопланади.



6.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

### 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

### 8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Форс мажор ҳолатларда жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Уз.Рес-си ҳукумати томонидан Янги конун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб – китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаба бўйича суд тартибида қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга тайинланган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва газначилик руйхатидан утгандан сунг кучга қиради. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» 12 2022 йилгача.

### X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

#### “БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ”

Васолат Юнусов кав. шифороваси  
Й. Абдулқадир к 9045  
100021860/44017024146054093  
ИМН 200056218  
Уз.Рес. ш.В. Ғазиов, ш.ш.ш  
23402000300700001010  
ИМН 201122919

#### “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”

МЧЖ «Кислород»  
Наманган ж/м Чаманзор  
х/р 20208000601193681001  
ОАТБ Турон банк Наманган  
МФО 00226  
ИНН № 202206899  
ОКОНХ-13116. тел. 237-19-51

  
ИМНО  
рахбар У. Рамадоев

  
ИМНО  
рахбар Усманов М.М.

М.Ў.

М.Ў.

Юрист Н. Ғўлдамшаров  
Ф.И.О.

Юрист М. Ғўлдамшаров  
Ф.И.О.

КУПЕРЖДАЮ-  
 Директор ООО Кислород  
 Аманжол У.М.  
 с. 4. 2022 года



**КАЛЬКУЛЯЦИЯ**

**Расчет стоимости 1 м<sup>3</sup> КИСЛОРОДА  
ПЕРИЧИСЛЕНИЕМ**

	СТАТЬИ ЗАТРАТ	СУММА
1.	Прямые затраты на материалы <b>ВСЕГО:</b>	4 337,00
	В том числе:	
	Электроэнергия 4 кв с 455	1 823,00
	Жидкий кислород 4м <sup>3</sup> 2000	2 514,00
2.	Прочие затраты на труд <b>ВСЕГО:</b>	1 123,00
	В том числе:	
а.	Зарплата производственных рабочих	850,00
б.	Доплаты к зарплате	200,00
в.	Отчисления 12%	83,00
	Косвенные затраты на материалы отнесены к производительности	521,00
3.		
4.	Косвенные затраты на труд отнесены к производительности	300,00
5.	Начисленные расходы производственного назначения	180,00
6.	Итого прочие расходы на производство	6 331,00
7.	Общештатные платежи и налоги 4%	209,90
8.	Плата за собственность	2 000,00
9.	Договорная цена 1 м <sup>3</sup> кислорода	2 100,00
10.	Цена за один баллон 6м <sup>3</sup> 7600м	47 000,00
11.	НДС 18%	6 320,00
12.	<b>ВСЕГО С НДС</b>	<b>48 320,00</b>

**ПРИМЕЧАНИЕ:**  
 В связи с возмещением стоимости электроэнергии, воды, топлива, затраты будут уменьшаться в % отвозврата на 1 м<sup>3</sup> стоимость кислорода

Главный бухгалтер ООО Кислород

E. Yuliev

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 06208  
2012 yil 15 noyabr  
Mazkur guvohnoma

№ 6208

"KISLOROD"

Tashkiliy-huquqiy shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

yuridik shaxsga berildi

THSHT (OILΦ)

1153

Muassas shakli

Jamoa

MSHT (ΦC)

142

Davlat ro'yvalidan o'tgan kundagi pochta manzili

Namangan shahar

Chamanzor massivi

MHB1 (COATO)

1714401

Yuridik shaxs kodi

KTUT (OKHO)

16530243

Asosiy faoliyat turi

Asosiy kimyoning boshqa mahsulotlarini  
ishlab chiqarish

XXTUT (OKOHN)

13116

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami

STIR (IHH)

202206899

Qo'shimcha ma'lumotlar

Avval Namangan viloyat Adliya boshqarmasida

2000 yil 28 aprelda 604-sonli reestr raqami bilan

ro'yhatga olingan.

Vakolatsiz organ boshligi

 R. Isakov




«КИСЛОРОД»  
МАСЪУЛИЯТИ  
ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ

ОБЩЕСТВО С  
ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
«КИСЛОРОД»

Республика Узбекистан, г. Наманган, Ж/м Чаманзар, тел. 237-19-51  
Р/с. 20208000601193681001  
ОАТБ Турон банк Наманган МФО 00226, ИНН 202206899

№ 30

«20» 01 2022й

Н. В. Ю. К. 01  
Самуилов  


**Руководство** МЧЖ «Кислород» доводит

До Вашего сведения что наша организация производит кислород,  
Закачивает в баллоны который используется в медицине. Предлагаем  
Вам данную продукцию приобретать в нашей организации стоимость  
Одного баллона 48 300 сум (сорок восемь тысяч триста) сум, что составляет  
В одном баллоне 6 м3 это 8 050 (восемь тысяч пятьдесят) сумм за 1 м3.

Надеемся на плодотворное сотрудничество между

Нашими организациями.

Директор «Кислород» МЧЖ :

УСМАНОВ М.М.